ТАРМОҚ БОЗОРЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ



# ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ДАЙЖЕСТИ

2025 йил январь-август

# ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

## АРМАТУРА
(минг т)




## ЦЕМЕНТ
(минг т)




## БУҒДОЙ
(ун ишлаб чиқариш) (минг т)




## ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ
(минг т)




## БЕНЗИН
(минг т)




## ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР
(дона)



# БОЗОРИНИНГ КОНЪЮКТУРАСИ

## ГУРУЧ
(минг т)




## ШАКАР
(Оқ) (минг т)




## ЎСИМЛИК ЁҒИ
(минг т)




## СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ
(минг т)




## ТИЖОРАТ ТЕХНИКАЛАРИ
(Махсус автотранспорт) (дона)



# АСОСИЙ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ҚИСҚА ШАРҲИ

**Қурилиш арматураси**. Тошкент шаҳар қурилиш материаллари бозорларида қурилиш арматураси ўртача нархи август ойида **1 тонна** учун **9 648 минг сўм**ни ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **2 фоиз**га *(172 минг сўм/т)* камайиб, йил бошига нисбатан **2 фоиз**га *(195 минг сўм/т)* **ошган**.

Қурилиш арматураси истеъмоли 2025 йил августь ойида **106 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **0,4 фоиз**га *(400 т)* **ошган**.

Истеъмолнинг **33 фоиз**и *(35,4 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **67 фоиз**и *(70,8 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **35 минг тонна** қурилиш арматураси ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **16 фоиз**га *(5 минг т)* **ошган**.

Қурилиш арматураси импорти август ойида **71 минг тонна**ни *(43 млн долл.)* ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **6 фоиз**га *(5 минг т)* к**амайган**.

*Импортнинг 88 фоизи Россия (33 % ёки 23,3 минг т), Қозоғистон (28 % ёки 19,7 минг т), ва Эрон (27 % ёки 19,4 минг т) давлатларига тўғри келган.*

Ўз навбатида, июль-августь ойларида **5 тонна** маҳсулот экспорти амалга оширилган.

**Гуруч**. Тошкент шаҳар деҳқон бозорларида гуруч ўртача нархи августь ойида **1 тонна** учун **20 220 минг сўм**ни ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **1,4 фоиз**га *(280 минг сўм/т)* **камайиб**, йил бошига нисбатан **1 фоиз**га *(220 минг сўм/т)* **ошган**.

Гуруч истеъмоли 2025 йил августь ойида **22 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **2,3 бар**. *(12,5 минг т)* **ошган**.

Истеъмолнинг **95 фоиз**и *(22,1 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **5 фоиз**и *(1,2 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **22 минг тонна** гуруч ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **2,3 бар**. *(12,5 минг т)* **ошган**.

Гуруч импорти август ойида **1,2 минг тонна**ни *(436 минг долл.)* ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **60 фоиз**га *(0,4 минг т)* ошган.

*Импортнинг 87 фоизи Қозоғистон (74 % ёки 865 т) ва Ҳиндистон (13 % ёки 153 т) давлатларига тўғри келган.*

Ўз навбатида, август ойида **0,2 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июль ойига нисбатан **11 фоиз**га *(0,02 минг т)* **камайган**.

**Шакар**. Товар хом ашё биржасида шакар ўртача нархи август ойида **1 тонна** учун **12 858,6 минг сўм**ни ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **6 фоиз**га *(721 минг сўм/т)*, йил бошига нисбатан **5 фоиз**га *(593 минг сўм/т)* **ошган**.

Шакар истеъмоли 2025 йил август ойида **64 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **43 фоиз**га *(19 минг т)* **ошган**.

Истеъмолнинг **17 фоиз**и *(11 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **83 фоиз**и *(53 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **11 минг тонна** шакар ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **15 фоиз**га *(2 минг т)* **камайган**.

Август ойида **53 минг тонна** *(22,2 млн долл.)* шакар импорт қилиниб, июль ойига нисбатан **66 фоиз**га *(21 минг т)* **ошган**.

*Импорт 80 фоизи Россия (51 % ёки 16 минг т) ва Қозоғистон (29 % ёки 9 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.*

Ўз навбатида, июль-август ойларида шакар экспорти амалга оширилмаган.

**Цемент**. Товар хом ашё биржасида цемент ўртача нархи август ойида **1 тонна** учун **613 минг сўм**ни ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **9 фоиз**га *(52 минг сўм/т)*, йил бошига нисбатан **26 фоиз**га *(128 минг сўм/т)* **ошган**.

Цемент истеъмоли 2025 йил август ойида **2 724 минг тонна**ни ташкил этиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **77 фоиз**га *(1 183 минг т)* **ошган**.

Истеъмолнинг **99,6 фоизи** *(2 923 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **0,4 фоизи** *(11 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **2 923 минг тонна** цемент ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **73 фоизга** *(1 234 минг т)* **ошган**.

Цемент импорти август ойида **11 минг тоннани** *(612 минг долл.)* ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **20 фоизга** *(2,8 т)* **камайган**.

*Импортнинг 98 фоизи Қозоғистон (63 % ёки 7 минг т) ва Эрон (35 % ёки 4 минг т) давлатларига тўғри келган.*

Ўз навбатида, август ойида **210 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июль ойига нисбатан **30 фоизга** *(48 минг т)* **ошган**.

**Бензин**. Товар хом ашё биржасида **АИ-92 бензин** ўртача нархи август ойида **1 тонна** учун **12 735 минг сўмни** ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **2 фоизга** *(225 минг сўм/т)*, йил бошига нисбатан **3 фоизга** *(351 минг сўм/т)* **ошган**.

Бензин *(АИ-80, АИ-92, АИ-95)* истеъмоли 2025 йил август ойида **122 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **1 фоизга** (1,6 минг т) **ошган**.

Истеъмолнинг **61 фоизи** *(101 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **39 фоизи** *(48 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **101 минг тонна** бензин ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **14 фоизга** *(12 минг т)* **ошган**.

Бензин импорти август ойида **48 минг тоннани** *(35,3 млн долл.)* ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **19 фоизга** *(11 минг т)* **камайган**.

*Импортнинг 98 фоизи Россия (82 % ёки 39 минг т) ва Қозоғистон (16 % ёки 7,5 минг т) давлатларига тўғри келган.*

Ўз навбатида, август ойида **27 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июль ойига нисбатан **1 фоизга** *(300 т)* **камайган**.

**Ўсимлик ёғи**. Товар хом ашё биржасида ўсимлик ёғи ўртача нархи август ойида **1 тонна** учун **20 600 минг сўмни** ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **7 фоизга** *(1 329 минг сўм/т)*, йил бошига нисбатан **20 фоизга** *(3 447 минг сўм/т)* **ошган**.

Ўсимлик ёғи истеъмоли 2025 йил август ойида **65 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **15 фоизга** *(8,4 минг т)* **ошган**.

Истеъмолнинг **34 фоизи** *(26 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **66 фоизи** *(43 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **26 минг тонна** ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **30 фоизга** *(6 минг т)* **ошган.**

Ўсимлик ёғи импорти август ойида **43 минг тонна** *(46 млн долл.)*, июль ойига нисбатан **6 фоизга** *(2,5 минг т)* **ошган**.

*Импортнинг 100 фоиз Қозоғистон (84 % ёки 36,4 минг т) ва Россия (16 % ёки 6,8 минг т) давлатларига тўғри келган.*

Ўз навбатида, август ойида **3,4 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июль ойига нисбатан **5 фоизга** *(200 т)* **ошган**.

**Дизель ёқилғиси**. Товар хом ашё биржасида дизель ёқилғиси ўртача нархи август ойида **1 тонна** учун **13 351 минг сўмни** ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **2 фоизга** *(273 минг сўм/т)*, йил бошига нисбатан **5 фоизга** *(617 минг сўм/т)* о**шган**.

Дизель ёқилғиси истеъмоли 2025 йил август ойида **153 минг тоннани** ташкил қилиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **24 фоиз** *(30 минг т)*га **ошган**.

Истеъмолнинг **64 фоизи** *(103 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **36 фоизи** *(55 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **103 минг тонна** дизель ёқилғиси ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **5 фоизга** *(5 минг т)* **камайган**.

Дизель ёқилғиси импорти август ойида **55 минг тонна**ни *(43 млн долл.)* ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **3 бар**. *(38 минг т)* ошган.

*Импортнинг 98 фоизи Россия (97 % ёки 54 минг т) ва Ироқ (1 % ёки 600 т) давлатларига тўғри келган.*

Ўз навбатида, август ойида **5,5 минг тонна** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июль ойига нисбатан **2.6 бар**. *(3,4 минг т)* **ошган**.

**Суюлтирилган газ**. Товар хом ашё биржасида суюлтирилган газ ўртача нархи август ойида **1 тонна** учун **6 722 минг сўм**ни ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **7 фоиз**га *(419 минг сўм/т)*, йил бошига нисбатан **0,4 фоиз**га *(26 минг сўм/т)* **ошган**.

Суюлтирилган газ истеъмоли 2025 йил август ойида **89 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **3 фоиз**га *(2,7 минг т)* **ошган**.

Истеъмолнинг **82 фоизи** *(73 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **18 фоизи** *(16 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **73 минг тонна** суюлтирилган газ ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **2 фоиз**га *(1,5 минг т)* **ошган**.

Суюлтирилган газ импорти август ойида **16 минг тонна** *(6,3 млн долл.)*, июль ойига нисбатан **8 фоиз**га *(1 минг т)* **ошган**.

*Импорт 96 фоизи Россия (79 % ёки 13 минг т) ва Қозоғистон (17 % ёки 3 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.*

Ўз навбатида, июль-август ойларида экспорт амалга оширилмаган.

**Буғдой**. Товар хом ашё биржасида буғдой ўртача нархи август ойида **1 тонна** учун **2 544 минг сўм**ни ташкил қилиб, июль ойига нисбатан **8 фоиз**га *(234 минг сўм/т)* камайган, йил бошига нисбатан **5 фоиз**га *(117 минг сўм/т)* **ошган**.

Буғдой истеъмоли 2025 йил август ойида **627 минг тонна**ни ташкил қилиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **30 фоиз**га *(267 минг т)* **камайган**.

Истеъмолнинг **62 фоизи** *(386 минг т)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **38 фоизи** *(241 минг т)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **386 минг тонна** буғдой ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **35 фоиз**га *(209 минг т)* **камайган**.

Буғдой импорти август ойида **241 минг тонна** *(49 млн долл.)*, июль ойига нисбатан **20 фоиз**га *(59 минг т)* **камайган**.

*Импорт 100 фоиз Қозоғистон (98 % ёки 237 минг т) ва Россия (2 % ёки 4 минг т) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.*

Ўз навбатида, август ойида экспорт амалга оширилмаган.

**Енгил автомобиллар**. Енгил автомобиллар истеъмоли 2025 йил август ойида **68 620 дона**ни ташкил этиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **94 фоиз**га *(33 243 дона)*. **ошган**.

Истеъмолнинг **85 фоизи** *(58 726 дона)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **15 фоизи** *(9 924 дона)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **58 726 дона** енгил автомобиллар ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **94 фоиз**га *(28 419 дона)* **ошган.**

Енгил автомобиллар импорти август ойида **9 924 дона** *(110 млн долл.)* ташкил этиб, июль ойига нисбатан **95 фоиз**га *(4 833 дона)* **ошган**.

*Импортнинг 93 фоизи Хитой (90 % ёки 4 543 дона) ва АҚШ (3 % ёки 148 дона) давлатларига тўғри келган.*

Ўз навбатида, август ойида **30 дона** автомобиль экспортга йўналтирилиб, июль ойига нисбатан **43 фоиз**га *(9 дона)* **ошган**.

**Тижорат техникалари** Тижорат техникалари истеъмоли 2025 йил август ойида **615 дона**ни ташкил этиб, 2025 йил июль ойига нисбатан **17 фоиз**га *(91 дона)* **ошган**.

Истеъмолнинг **86 фоизи** *(532 дона)* маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, **14 фоизи** *(84 дона)* импорт ҳисобига қопланган.

Август ойида **532 дона** тижорат техникалари ишлаб чиқарилиб, июль ойига нисбатан **27 фоиз** *(112 дона)* **ошган**.

Тижорат техникалари импорти август ойида **84 дона** *(9,6 млн долл.)*, июль ойига нисбатан **20 фоиз**га *(21 дона)* **камайган**.

*Импортнинг 98 фоизи Хитой (93 % ёки 78 дона) ва Жанубий Корея (5 % ёки 4 дона) давлатларига тўғри келган.*

Ўз навбатида, август ойида **1 дона** маҳсулот экспортга йўналтирилиб, июль ойида нисбатан **ўзгармаган**.

# ТОВАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

## БИРЖА НАРХЛАРИ

### ТЕХНИК ОЛТИНГУГУРТ
(минг т)




### РУХ
(минг т)




### СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ
(минг т)




### МИС
(минг т)




### БЕНЗИН
(минг т) (Аи-92)




### ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ
(минг т)




### ПВХ
(минг т)




### ПОЛИПРОПИЛЕН
(минг т)




### КАРБАМИД
(минг т)




### АММИАКЛИ СЕЛИТРА
(минг т)




### БУҒДОЙ
(ун ишлаб чиқариш) (минг т)




### ПОЛИЭТИЛЕН
(минг т)



# БОЗОРИНИНГ КОНЪЮКТУРАСИ

## БОЗОР НАРХЛАРИ

### АРМАТУРА
(минг т)




### СУЛЬФАТ КИСЛОТАСИ
(минг т)




### ЎСИМЛИК ЁҒИ
(минг т)




### ГУРУЧ
(минг т)




### ЦЕМЕНТ
(минг т)




### ЛИСТЛИ ПРОКАТ
(минг т)




### ҚУРИЛИШ ОЙНАСИ
(минг м²)




### ШАКАР
(Оқ) (минг т)




### ИП КАЛАВА
(минг т)




### ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР
(минг дона)




### ТИЖОРАТ ТЕХНИКАЛАРИ
(Махсус автотранспорт) (дона)



# АСОСИЙ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ҚИСҚА ШАРҲИ

## I. Ижобий кўрсаткичлар

**Нарх-наво.** 2024 йилда ўтган ҳисобот даврига нисбатан **23 тур**даги маҳсулотлардан **9 та**сида, 2025 йилнинг январь-август ойларида эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **4 та**сида нархлар **пасайган**, **2 та**сида нархлар **ўзгармаган**.

Жумладан, 2024 йилда **9 тур**даги маҳсулотда, техник олтингугурт **31,7 фоиз** *(108 минг сўм/т)*, қурилиш ойнаси **18,8 фоиз** *(15 минг сўм/м²)*, цемент **11,8 фоиз** *(104 минг сўм/т)*, буғдой (ун ишлаб чиқариш) **10,8 фоиз** *(315 минг сўм/т)*, ўсимлик ёғи **5,2 фоиз** *(1 минг сўм/т)*, полиэтилен **4,6 фоиз** *(780 минг сўм/т)*, аммиакли селитра **4,1 фоиз** *(117 минг сўм/т)*, ПВХ **3,1 фоиз** *(356 минг сўм/т)*, полипропилен **1,8 фоиз** *(300 минг сўм/т)*.

2025 йилнинг январь-август ойларида **4 тур**даги маҳсулотда, асосан, суюлтирилган газ **16 фоиз** *(1 293 минг сўм/т)*, ўсимлик ёғи **9 фоиз** *(2 минг сўм/кг)*, қурилиш ойнаси **3 фоиз** *(2 минг сўм/т2)*, полипропилен **0,6 фоиз** *(99 минг сўм/т)* нархлар пасайган, Шунингдек, **2 тур**даги арматура *(9 648 минг сўм/т)* ва гуруч *(20 минг сўм/кг)* маҳсулотларида нархлар **ўзгармаган**.

**Ишлаб чиқариш**. 2024 йилда **23 тур**даги маҳсулотлардан **13 та**сида, 2025 йилнинг январь-август ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **11 та**сида ишлаб чиқариш ҳажми ошган, **2 та**сида ишлаб чиқариш ҳажми **ўзгармаган**.

Жумладан, 2024 йилда **13 тур**даги маҳсулотда, асосан, тижорат техникалари **21 фоиз** *(993 дона)*, гуруч **19 фоиз** *(44 минг т)*, цемент **15 фоиз** *(2,8 млн т)*, карбамид **11 фоиз** *(108 минг т)*, пвх **7 фоиз** *(3 минг т)*, сульфат кислотаси **7 фоиз** *(106 минг т)*, ип калава **4 фоиз** *(39 минг т)*, ўсимлик ёғи **3 фоиз** (9 минг т), листли прокат **2 фоиз** *(3 минг т)*, буғдой **2 фоиз** *(79 минг т)*, қурилиш ойнаси **2 фоиз** *(0,8 млн м²)*, енгил автомобиль **1,6 фоиз** *(7 минг дона)*, суюлтирилган газ **0,3 фоиз** *(3 минг т), 2025 йилнинг январь-август ойларида* **11 та** *маҳсулотда, асосан, техник олтингугурт* **2,4 бар**. *(201 минг т), листли* прокат **1 бар**. *(89 минг т)*, цемент **53 фоиз** *(5,2 млн т)*, қурилиш ойнаси **42 фоиз** *(7,8 млн м2)*, гуруч **8 фоиз** *(12,7 минг т)*, Буғдой **7 фоиз** *(202 минг т)*, карбамид **6 фоиз** *(42,6 минг т)*, ип калава **2,5 фоиз** *(13 минг т)*, ўсимлик ёғи **1 фоиз** *(2 минг т)*, мис **0,6 фоиз** *(0,6 минг т)*, аммиакли селитра **0,2 фоиз** *(1,5 минг т)* ишлаб чиқариш ҳажми ошган, Шунингдек, 3 турдаги сульфат кислотаси *(1,3 млн т)*, тижорат техникалари *(3 079 дона)* ва енгил автомобиллар *(297,3 минг дона)* маҳсулотларида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгармаган.

**Экспорт.** 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-август ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **11 та** маҳсулотда экспорт **ошган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан, цемент **57 бар**. *(445 минг т)*, гуруч **1,8 бар**. *(1,1 минг т)*, листли прокат **1,8 бар**. *(71 минг т)*, қурилиш ойнаси **1,8 бар**. *(1,7 млн м²)*, ўсимлик ёғи **1,6 бар**. *(7,5 минг т)*, бензин **1,4 бар**. *(155 минг т)*, полипропилен **1,4 бар**. *(71 минг т)*, аммиакли селитра **38 фоиз** *(93 минг т)*, карбамид **29 фоиз** *(156 минг т)*, ип калава **9 фоиз** *(38 минг т)*, Техник олтингугурт **2 фоиз** *(2 минг т)*.

2025 йилнинг январь-август ойларида **11 та** маҳсулот асосан, дизель ёқилғиси **48 бар**. *(9,4 минг т)*, гуруч **10 бар**. *(10,7 минг т)*, техник олтингугурт **6 бар**. *(195 минг т)*, тижорат техникалари **5 бар**. *(13 дона)*, цемент **4 бар**. *(700 минг т)*, буғдой **3 бар**. *(12 минг т)*, ўсимлик ёғи **2 бар**. *(14 минг т)*, полиэтилен **26 фоиз** *(30 т)*, қурилиш ойнаси **22 фоиз** *(482 минг м2)*, рух 8 фоиз *(2 минг т)*, листли прокат **3 фоиз** *(3 минг т)*.

**Импорт.** 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-август ойларида 2024 йил мос даврига нисбатан **4 та**сида импорт **камайган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан аммиакли селитра **2 бар**. *(9 минг т)*, тижорат техникалари **1,8 бар**. *(1 344 дона)*, гуруч **1,6 бар**. *(70 минг т)*, цемент

1,5 бар. *(969 минг т)*, енгил автомобиллар **26 фоиз** *(21 минг дона)*, пвх **25 фоиз** *(70 минг т)*, арматура **20 фоиз** *(53 минг т)*, дизель ёқилғиси **20 фоиз** *(29 минг т)*, полипропилен **16 фоиз** *(24 минг т)*, буғдой **16 фоиз** *(582 минг т)*, ўсимлик ёғи **4 фоиз** *(11 минг т)*.

2025 йилнинг январь-август ойларида **4 та** маҳсулотда, асосан, цемент **87 фоиз** *(500 минг т)*, гуруч **75 фоиз** *(23 минг т)*, рух **61 фоиз** *(400 т)*, енгил автомобиллар **25 фоиз** *(12 минг дона)* импорти камайган. Шунингдек, мис импорти тухтаган.

## II. Салбий кўрсаткичлар

**Нарх-наво**. 2024 йилда ўтган ҳисобот даврига нисбатан **23 тур**даги маҳсулотлардан **11 та**сида, 2025 йилнинг январь-август ойларида эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **14 та**сида нархлар **ошган**.

Жумладан, **11 тур**даги маҳсулотлар, асосан, сульфат кислотаси **22 фоиз** (187 минг сўм/т), суюлтирилган газ **19 фоиз** (1 млн сўм/т), мис **17 фоиз** (18,5 млн сўм/т), дизель ёқилғиси **16 фоиз** (1,8 млн сўм/т), рух **14 фоиз** (4,6 млн сўм/т), карбамид **12 фоиз** (406 минг сўм/т), гуруч **11 фоиз** (2 минг сўм/т), арматура **7 фоиз** (600 минг сўм/т), шакар **5 фоиз** (0,7 минг сўм/т), листли прокат **2,3 фоиз** (257 минг сўм/т), бензин **0,3 фоиз** (36 минг сўм/т).

2025 йилнинг январь-август ойларида **14 та** маҳсулотда, асосан, техник олтингугурт **2 бар**. (267 минг сўм/т), сульфат кислотаси **30 фоиз** (285 минг сўм/т),пвх **28 фоиз** (3 134 минг сўм/т), рух **11 фоиз** (3 680 минг сўм/т), карбамид 1**0 фоиз** *(367 минг сўм/т)*, аммиакли селитра **8 фоиз** *(214 минг сўм/т)*, цемент **7 фоиз** *(41 минг сўм/т)*, бензин **6 фоиз** *(780 минг сўм/т)*, дизель ёқилғиси **6 фоиз** *(800 минг сўм/т)*, мис **6 фоиз** *(7 790 минг сўм/т)*, буғдой **6 фоиз** *(100 сўм/кг)*, полиэтилен **4 фоиз** *(572 минг сўм/т)*, листли прокат **3 фоиз** *(281 минг сўм/т)*, шакар **2 фоиз** *(300 сўм/кг)*.

**Ишлаб чиқариш**. 2024 йилда **23 тур**даги маҳсулотлардан **10 та**сида, 2025 йилнинг январь-август ойларида **9 та**сида ишлаб чиқариш **камайган**.

Жумладан, 2024 йилда **10 тур**даги маҳсулотларда, асосан, шакар **21 фоиз** *(125 минг т)*, рух **11 фоиз** *(8,5 минг т)*, арматура **10 фоиз** *(97 минг т)*, мис **7,5 фоиз** *(11 минг т)*, дизель ёқилғиси **5,6 фоиз** *(57 минг т)*, полипропилен **5 фоиз** *(4 минг т)*, бензин **4,5 фоиз** *(60 минг т)*, полиэтилен **4 фоиз** *(17 минг т)*, аммиакли селитра **3 фоиз** *(49 минг т)*, техник олтингугурт **0,1 фоиз** *(200 т)*, 2025 йилнинг январь-август ойларида **9 та** маҳсулотда, асосан, шакар **44 фоиз** *(147 минг т)*, арматура **28 фоиз** *(86 минг т)*, полипропилен **17 фоиз** *(10 минг т)*, бензин **14 фоиз** *(127 минг т)*, пвх **14 фоиз** *(4,5 минг т)*, полиэтилен **13 фоиз** *(37 минг т)*, дизель ёқилғиси **3 фоиз** *(23,5 минг т)*, рух **3 фоиз** *(1 минг т)*, суюлтирилган газ **2 фоиз** *(10 минг т)*.

**Экспорт. 23 тур**даги маҳсулотлардан 2024 йилда **12 та**, 2025 йилнинг январь-август ойларида **12 та**сида экспорт **камайган**.

Жумладан, 2024 йилда **12 та** маҳсулотда, асосан, сульфат кислотаси 100 фоиз экспорт тўхтаган, шакар **2 бар**. *(2 минг т)*, дизель ёқилғиси **1,9 бар**. *(14,6 минг т)*, арматура **1,7 бар**. *(18,8 минг т)*, суюлтирилган газ **1,5 бар**. *(8,9 минг т)*, енгил автомобиль **40 фоиз** *(130 дона)*, буғдой **36 фоиз** *(10 минг т)*, ПВХ **30 фоиз** *(1 минг т)*, рух **23 фоиз** *(12,1 минг т)*, полиэтилен **8 фоиз** *(20 т)*, тижорат техникалари **6 фоиз** *(1 дона)*, мис **4 фоиз** *(2,2 минг т)*.

2025 йилнинг январь-август ойларида **12 та** маҳсулотда, асосан, суюлтирилган газ 9**6 фоиз** *(6,7 минг т)*, арматура **82 фоиз** *(6 минг т)*, ип калава **49 фоиз** *(171 минг т)*, полипропилен **47 фоиз** *(2,2 минг т)*, пвх **42 фоиз** *(500 т)*, карбамид **41 фоиз** *(145 минг т)*, аммиакли селитра **30 фоиз** *(63 минг т)*, енгил автомобиллар **13 фоиз** *(20 дона)*, мис **11 фоиз** *(4 минг т)*, Бензин **5 фоиз** *(10 минг т)* га камайган, Шунингдек, сульфат кислотаси ва Шакар экспорти тулиқ тухтаган.

**Импорт.** 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **11 та**, 2025 йилнинг январь-август ойларида ўтган ҳисобот даврига нисбатан **18 та** маҳсулотда импорт **ошган**.

Жумладан, 2024 йилда **11 та** маҳсулотда, асосан, суюлтирилган газ **5 бар**. *(101 минг т)*, техник олтингугурт **3 бар**. *(0.1 минг т)*, карбамид **1,8 бар**. *(0,2 минг т)*, сулфат кислотаси **1,6 бар**. *(40 т)*,шакар **1,5 бар**. *(49,7 минг т)*, рух **1,4 бар**. *(0,4 минг т)*, бензин **37 фоиз** *(153 минг т)*, полиэтилен **19 фоиз** *(10 минг т)*, ип калава **17 фоиз** *(0,6 минг т)*,қурилиш ойнаси **8 фоиз** *(628 минг м2)*, листли прокат **4 фоиз** *(51,7 минг т)*.

2025 йилнинг январь-август ойларида **18 та** маҳсулотда, асосан техник олтингугурт **84 бар**. *(8,4 минг т)*, аммиакли селитра **15 бар**. *(1,4 минг т)*, дизель ёқилғиси **4 бар**. *(215 минг т)*, арматура **3 бар**. *(330 минг т)*, сульфат кислотаси **3 бар**. *(2 т)*, тижорат техникалари **1,4 бар**. *(292 дона)*, шакар **1 бар**. *(50 минг т)*, пвх **90 фоиз** *(43 минг т)*, полипропилен **71 фоиз** *(51 минг т)*, суюлтирилган газ **54 фоиз** *(31 минг т)*, карбамид **43 фоиз** *(100 т)*, ўсимлик ёғи **41 фоиз** *(76 минг т)*, қурилиш ойнаси **35 фоиз** *(1 739 минг $м^2$)*, полиэтилен **35 фоиз** (14 минг т), листли прокат **33 фоиз** *(313 минг т)*, буғдой **24 фоиз** *(443 минг т)*, ип калава **24 фоиз** *(700 т)*, Бензин 5 фоиз *(24 минг т)*.

## Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги тадқиқотлари маркази


**Электрон манзил**

Веб саҳифа: www.lprc.uz

Эл. почта: lprcuzbekistan@imv.uz

t.me/Tadqiqotlarmarkazi

**Манзил**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,
Чилонзор кўчаси, 4-уй.

(+998) 71 230-70-12 (+998) 71 230-70-14 (+998) 71 230-70-16